Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

# ТОШКЕНТ оқшоми

Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитети ва халқ депутатлари шаҳар Советининг органи

ГАЗЕТА 1966 ЙИЛ 1 ИЮЛДАН ЧИҚА БОШЛАГАН. • № 139 (6. 030) • 1986 йил 18 июнь, чоршанба • Баҳоси 3 тийин.

**КПСС XXVII СЪЕЗДИ ҚАРОРЛАРИНИ АМАЛГА ОШИРАМИЗ**

# СОВЕТ ХАЛҚИНИНГ ИЛҲОМБАХШ ИЖОДИЙ МЕҲНАТИ—ЎН ИККИНЧИ БЕШ ЙИЛЛИККА!

## КПСС Марказий Комитетининг Совет Иттифоқи меҳнаткашларига МУРОЖААТНОМАСИ

Азиз ўртоқлар!

Мамлакатимиз туб бурилиш палласида турибди, КПСС XXVII съезди совет халқи олдига катта ва мураккаб вазифалар қўйди. Жамият турмушининг ҳамма соҳаларида тезроқ олға силжиш, янги марраларга чиқиб олиш, янги чўққиларни забт этиш лозим.

Ўн иккинчи беш йиллик — партиянинг стратегик йўлйўриқларини амалга оширишнинг ҳал қилувчи босқичидир. КПСС Марказий Комитетининг 1986 йил июнь Пленуми СССРни иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг 1986 — 1990 йилларга мўлжалланган Давлат плани лойиҳасини маъқуллади. СССР Олий Совети уни тасдиқлаганидан кейин беш йиллик план қонун бўлиб қолади.

Биз бу галги беш йилликдан нималарни кутяпмиз? Қандай натижаларга умид боғлаяпмиз?

Биз экономика ривожидаги нохуш тенденцияларни ўзгартиришимиз, экономикага кўпроқ жўшқинлик бахш этишимиз, ишлаб чиқаришни ўстириш суръатларини оширишимиз, фан-техника тараққиётини жадаллаштириш, халқ хўжалигини техника билан қайта қуроллантириш ва реконструкция қилиш, вужудга келтирилган потенциалдан интенсив фойдаланиш негизида янада юксак пировард натижалар олишимиз керак.

Биз хўжалик механизмини тубдан қайта қуришимиз, ҳамма жойда меҳнат жараёнини пухта ташкил этишни таъминлаш, резервлардан ва социализм имкониятларидан тўлиқроқ фойдаланиш имконини берадиган эпчил ва самарали бошқарув системасини вужудга келтиришимиз керак.

Биз энг зарур социал программаларни амалга оширишимиз, социал-маданий соҳани ривожлантиришни жадаллаштиришимиз, совет кишиларининг меҳнат ва турмуш шароитларини анча яхшилашимиз, халқ фаровонлигини янада юксалтиришга эришишимиз керак.

Биз мураккаб халқаро вазиятда шу вазифаларни ҳал этиш билан айни бир вақтда давлатимизнинг мудофаа қобилиятини зарур даражада сақлашга мажбурмиз.

Кўриб турибсизларки, мамлакат тараққиётининг ҳамма соҳаларида янги беш йиллик бурилиш беш йиллиги бўлиб қолади, ўртоқлар.

Белгиланган режаларни барча совет кишиларининг шижоатли меҳнати билангина рўёбга чиқариш мумкин. Ҳозир ҳар бир кишидан талаб қилинадиган нарса шуки, умум бахт-саодати йўлида ҳалол меҳнат қилиш, ташаббус кўрсатиш, топширилган ишга масъулият билан ёндашиш, давлат манфаатлари ҳақида омилкорлик билан ғамхўрлик қилиш лозим.

**Коммунистлар ва комсомоллар, ишчилар ва колхозчилар, олимлар ва мутахассислар, маданият ва санъат арбоблари, барча меҳнаткашлар, ўртоқлар, Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитети сизларга мурожаат этиб, ўн иккинчи беш йиллик топшириқларини муваффақиятли бажариш учун умумхалқ социалистик мусобақасини кенг қулоч ёздиришга, дадил планлар ва режаларни амалий ҳаракатлар энергиясига айлантиришга чақиради.**

Меҳнат унумдорлигини ошириш, маҳсулот сифатини яхшилаш, ресурсларни тежаш — ҳозир мусобақанинг бош мақсадларидир. Ленин сўзлари билан айтганда, **«аввалгидан яхшироқ, аввалгидан арзонроқ ва аввалгидан кўпроқ»** ишлаб чиқариш керак.

**Меҳнат унумдорлигини ошириш** — энг муҳим масаладир. Фан-техника тараққиётини жадаллаштириш — бу вазифани ҳал этишнинг асосий йўлидир. Шу ҳал қилувчи соҳадаги ҳаракатларнинг узоқ муддатли программаси ишлаб чиқилди. Уни амалга ошириш халқ хўжалигини янги техника асосида реконструкция қилиш имконини беради. Аммо бизнинг кутиб туришга ҳаққимиз йўқ. Ҳозирнинг ўзидаёқ ҳар бир корхонадаги, ҳар бир иш жойидаги иш савиясини анча ошириш муҳимдир. Бу соҳада қўл остимизда жуда катта резервлар мавжуд.

Ишлаб турган қувватларни, машиналар, асбоб-ускуналар, станокларни иш билан янада тўлиқ таъминлаш шу жумлага киради.

Ишлаб чиқариш маромини аниқ таъминлаш, маҳсулот етказиб бериш интизомини мустаҳкамлаш, жуда қаттиқ иқтисодий тежаш шу жумлага киради.

Иш жойларини аттестациядан ўтказиш ва оқилона ташкил этиш, меҳнатнинг ташкил қилинишини ва рағбатлантирилишини яхшилаш, илғор тажрибани актив жорий қилиш, интизом ва талабчанликни ошириш шу жумлага киради.

Меҳнат коллективлари қўл меҳнатини қисқартириш, ишлаб чиқаришни механизациялаш ва автоматлаштириш учун ўз кучлари билан кўп иш қилишлари мумкин.

Келинглар, ўртоқлар, меҳнат унумдорлигини сабот билан оширайлик! Ҳозир бу — янгича ишлашнинг энг муҳим соҳасидир.

**Мусобақа — маҳсулот сифатини оширишнинг қудратли воситасидир.** Ҳеч бир муболағасиз айтиш мумкинки, юксак сифат учун курашда беллашув ва коллектив изланишнинг имкониятлари чиндан ҳам чексиздир! Афсуски, мусобақа имкониятлари унчалик тўла-тўкис рўёбга чиқарилмаяпти. Кўпгина маҳсулотларнинг ҳозирги даражаси замонавий талабларга ҳали ҳам мувофиқ эмас. Бу эса турмушнинг ҳамма соҳаларида жиддий қийинчиликларни келтириб чиқаради.

Ишчилар ва колхозчиларнинг, инженерлар ва мутахассисларнинг, бошқарув барча бўғинлари ходимларининг биргаликдаги куч-ғайратлари билан юксак сифатни таъминлайлик, техникавий қолоқлик, ғўрлик, дидсизлик, бракнинг ҳар қандай шакллари йўлига тўсиқ қўяйлик! Завод маркасининг, ишчи қўллар ижод этган ҳар бир нарсанинг яхши шуҳрати, пухта, тежамли, керакли маҳсулотларни ишлаб чиқариш — ҳар бир меҳнатчининг шон-шараф ва виждон ишидир, совет кишилари касбкор ва ватанпарварлик ифтихорининг нишонасидир.

Мамлакатимизда ёқилғи-энергетика ва минерал хом ашё ресурслари кўп. Аммо улар чексиз эмас ва тобора қимматга тушмоқда. Мана шулар эътиборга олиниб, беш йиллик планда экономиканинг моддий ресурсларга бўлган эҳтиёжларини қондиришга принципиал янгича ёндашиш асос қилиб олинди. Агар илгари бу ресурсларни кўпайтириш асосан қазиб олиш ва ишлаб чиқаришни ошириш ҳисобига таъминланган бўлса, энди кўп жиҳатдан тежаш ҳисобига таъминланади. Шу сабабли ҳозир хом ашё, материал, энергияни омилкорлик билан, тежаб-тергаб сарфлаш, чиқитсиз технологияларни активроқ жорий этиш, молиявий ресурслардан имкони борича самарали фойдаланиш, маҳсулот ишлаб чиқариш чиқимларини камайтириш жуда муҳимдир.

**Металл, ёқилғи, ёғоч, электр энергияни бошқалардан кўра яхшироқ тежаган, халқ мулкини эҳтиёт қилган киши мусобақада ғолиб чиқади.**

Қатъий план ва меҳнат интизоми, уюшқоқлик, тартиб бўлмаса самарали экономика ҳам бўлмайди. Меҳнат мароми бузилган тақдирда нақадар кўп зарар кўрилишини, план топшириқлари ва маҳсулот етказиб бериш шартномалари барбод бўлиши, моддий-техника таъминотидаги камчиликлар, айрим ходимларнинг ношудлиги нималарга олиб келишини кўпларингиз ўз тажрибангиздан биласизлар.

Баъзи коллективларда иш вақтидан қандай фойдаланилаётганига бир назар ташланг. Прогуллар, бекор туришлар, беҳуда танаффуслар оқибатида қанчадан қанча иш вақти зое кетмоқда! Ҳали ҳам бизда ҳақиқий иши учун эмас, балки иш жойида ҳозир бўлганлигининг ўзи учун иш ҳақи, баъзан ҳатто мукофот ҳам олаётган ходимлар бор. Мусобақани кенг қулоч ёздирганда **унинг энг биринчи қоидасига: иш вақтини ишга бағишлаш кераклигига оғишмай риоя этилишини таъминлаш керак.**

Цехда, заводда, қурилишда, колхоз ва совхозда ишга муносабатни яхшилаш, штурмчилик ва ҳайбаракаллачиликни, хўжакўрсинчилик ва қўшиб ёзишларни қатъиян тугатиш, меҳнатнинг пухта ташкил этилишини коллектив бўлиб таъминлаш — замоннинг қатъий талабидир.

Мусобақа билан мустаҳкам меҳнат интизоми бир-биридан ажралмасдир. **Унинг ҳар бир қатнашчиси меҳнатсеварлик, юксак ахлоқийлик ва уюшқоқлик намунаси бўлиб қолсин!**

Совет халқи орасида тенглашса арзийдиган, ибрат олса арзийдиган кишилар бор. Бу кишилар аввало мамлакатнинг меҳнат гвардияси — ишлаб чиқариш илғорлари ва новаторлари, ўз касбининг заршунос усталари, ўткир зеҳнли, дадил ижодий изланувчан ва актив гражданлик позициясида турувчи кишилардир. Жамики янги, илғор ташаббуслар учун, эскирган, қолоқ нарсаларга қарши тинимсиз курашувчи бу кишилар ҳозир жадаллик маромида яшаш ва ишлаш нималигини амалда кўрсатиб турибдилар.

Барча тармоқларда, ҳар бир коллективда шундай кишилар бор. **Ҳар бир новатор ишчининг ўз издоши, ўз мактаби бўлиши** жуда муҳимдир. **Мусобақа жараёнида ишлаб чиқариш илғорлари ва новаторларининг сафлари тинимсиз ўсаберсин!**

Шу беш йилликнинг илк даврида қимматли ташаббуслар юзага келди. Мусобақада ишнинг сифат кўрсаткичлари сари бурилиш бошланди. Илғор коллективлар ишлаб чиқариш ҳажмларини ўстиришнинг ҳаммасига техника тараққиёти, асбоб-ускуналарни иш билан тўла-тўкис таъминлаш ҳисобига, хом ашё ва материал сарфини, ишловчилар сонини кўпайтирмай эришиш вазифасини қўймоқдалар. Мусобақага айни мана шундай ёндашув айниқса зарурдир. Ўн минглаб меҳнатчилар Улуғ Октябрнинг 70 йиллиги шарафига меҳнат унумдорлигини ошириш юзасидан беш йилликнинг икки йили учун белгиланган планни бажариш ва маҳсулот сифатини юксак даражага кўтариш мажбуриятини олдилар. Бу йил уй-жой, мактаблар, касалхоналар, клублар, спорт иншоотлари қурилишида ҳақ олмай тўрт кун ишлаб бериш ҳаракати кенгайиб бормоқда. Мана шундай конкрет ташаббуслар ва ҳаракатларни ҳар томонлама қўллаб-қувватласа ва кенг оммалаштирса арзийди.

Хуллас, мусобақани қайта қуриш бошланди. Аммо бу — фақат дастлабки қадамлардир. Айрим ходимларгина эмас, бутун-бутун коллективлар ҳам тенг шароитларда турлича ишлаётганликларини кўрсатувчи бирталай мисолалар бор. Нега хўжаликлар бир хил ерларда ҳар хил ҳосил оладилар? Нега бир тоифа кишилар халқ бойлигини тежайдилар-у, бошқалар исроф қиладилар? Нега бир корхона сифатли маҳсулот ишлаб чиқаради-ю, бошқаси кўра-била туриб бракни истеъмолчига жўнатади? Нега илғор тажриба соҳибларини биладилар-у, аммо уларнинг тажрибаси билан қуролланиб олмайдилар?

Чамаси, мусобақа механизмидаги кўп нарсалар яхши ишламаяпти. Афсуски, айрим жойларда мусабақа қатнашчиларининг ишни қандай қилиб яхшироқ олиб бориш, нималарни мустаҳкамлаш кераг-у, нималардан воз кечиш ҳақидаги таклифларига қулоқ солинмаяпти. Коллектив тажрибасига таянган тақдирдагина, қимматли фикрларни, янги ёндашувларни қўллаб-қувватлаган тақдирдагина Ленин айтганидек, «Омманинг **тезлик билан** ишга киришмоғи учун **омманинг мусобақасини ҳам, ташаббусини ҳам** қўзғата билиш...» мумкин.

Тўғрисини айтганда, мусобақанинг баъзи формалари эскириб қолди ва замон талабларига мос келмаяпти. Кўпинча у экономикани интенсив изларга ўтказиш, фан-техника тараққиётини жадаллаштириш, хўжалик механизмини қайта қуриш, меҳнатни ташкил этишнинг коллектив формаларини кенг жорий қилиш соҳасидаги умумхалқ куч-ғайратларидан ажралиб қолиб, ўз-ўзича давом этмоқда. Ўзгалардан нусха кўчирилган мажбуриятлар, кабинетларда ўйлаб чиқарилган ташаббуслар, муваффақият камроқ бўлса ҳам дабдабали қилиб тўқилган рапортлар ҳали ҳам оз эмас. Кўпгина мажбуриятларни бажариш учун унчалик куч-ғайрат сарфлаш талаб қилинмайди, улар мавжуд имконият ва резервларни ҳисобга олмай қабул этилади. Мана шуларнинг ҳаммаси меҳнат беллашувини қадрсизлантиради, уни расмиятчиликка айлантириб қўяди.

Мусобақани занг босган расмиятчиликдан халос қилиш — унга илҳом, чинакам беллашув ва жанговарлик руҳини бахш этиш демакдир, шундай қилмай туриб, инсон ўз маҳорати ва эпчиллигини тўла-тўкис намоён эта олмайди. Пировард натижада экономиканинг ўсиши ҳам, турмуш даражасининг ошиши ҳам ҳар бир коллективнинг, ҳар бир меҳнатчининг умумий ишга меҳнат билан қўшадиган улушига боғлиқ. Жадаллик ўз-ўзидан, автомат тарзда рўй беради деб ҳеч ким умид қила олмайди.

Иқтисодий ўсишнинг юксак суръатлари, ишлаб чиқаришнинг самарадорлиги учун курашиш, сабот ва изчиллик билан курашиш керак. Социалистик мусобақа ҳам худди шунга қаратилиши керак. Биз нимаики қилсак, бунёд этсак, қурсак, ҳаммаси ўзимизники бўлади, турмушимиз ҳам шунга боғлиқ бўлади. Неъматларни яратишнинг, ўсиб борувчи моддий ва маънавий эҳтиёжларни тобора тўла-тўкис қондиришнинг бундан бошқа йўли мутлақо йўқ.

Бизнинг совет кишимиз, унинг топширилган ишга муносабати — жадаллаштиришнинг ҳал қилувчи омилидир. Мусобақада ўрнашиб қолган қонунларни дадил ўзгартириш, одамлар билан жонли ишни қоғозга ёзилган ахборотни тўплаш билан алмаштирмаслик, ишни енг учида зимдан якунлаш практикасини бутунлай тугатиш, ҳар бир меҳнатчининг ижодий ташаббуси намоён бўлиши учун имконият очиб қўйиш керак.

Мусобақа ўзининг ошкоралиги билан, хўжалик юритиш якунларини объектив таққослаш билан, илғор тажрибани оператив умумлаштириш ва жорий қилиш, ўртоқларча ҳамкорлик ва ўзаро ёрдам билан кучлидир. Оралиқ кўрсаткичлари эмас, балки пировард натижалар ҳақиқий мусобақанинг мезонидир. Мамлакатга, давлатга ўз вақтида ишга туширилган завод ва фабрикалар, уй-жой бинолари ва мактаблар, магазинлар ва кинотеатрлар, пухта ишловчи транспорт, йиғиштириб олинган ва яхши сақланган ҳосил, сифатли кенг истеъмол моллари керак.

Маънавий ва моддий рағбатлантириш бутун системасига мусобақада эришилган амалий натижалар, социал адолат принципи асос қилиб олиниши жуда муҳимдир. Катта резервларга ва яхши шароитларга эга бўла туриб, сиртдан қарагандагина актив ишлагандек кўринган, аслида эса бир жойда депсиниб турган киши мусобақа ғолиблари қаторига ўтиб қолишига йўл қўйиб бўлмайди. Мусобақани якунлаш пайтида унинг ҳамма қатнашчилари диққат марказида туриши керак. Айни социалистик мусобақа ҳар хил кўринишлардаги ахлоқсизликка, кўзбўямачиликка, маҳкамачиликка, маҳаллийчиликка қарши кўриладиган чора бўлиб қолиши керак.

Ўртоқлар! КПСС Марказий Комитети ишчилар синфи, агросаноат комплексининг меҳнатчилари, инженер-техник кадрлар, зиёлилар, ўн иккинчи беш йиллик топшириқларини тўла ва ошириб бажариш йўлидаги мусобақанинг ҳамма қатнашчилари юксак ижодий активлик кўрсатадилар, мамлакат социал-иқтисодий тараққиётини жадаллаштириш соҳасидаги ишни аниқ-равшан ва салмоқли мазмун билан тўлдирадилар, деб умид қилади.

Партия умумхалқ социалистик мусобақасида, ҳамиша бўлганидек, **қаҳрамон ишчилар синфи пешқадамлик қилишига ишонади.** Унинг юксак онглилиги ва уюшқоқлиги, меҳнат ғайрати ва сиёсий активлиги, совет турмуш тарзига ёт ҳодисаларга нисбатан муросасизлиги — олға томон қиладиган ҳаракатимизнинг ишончли гаровидир. Меҳнат унумдорлигини тубдан ошириш, дунёдаги энг яхшилардан қолишмайдиган маҳсулот, унинг юксак сифати ва пишиқ-пухталиги, маҳсулот тайёрлашга материал ва энергия сарфининг камайтирилиши, тўла хўжалик ҳисоби — ишчи коллективларининг бугунги энг муҳим мақсадлари мана шундан иборат бўлиши керак.

**Қишлоқ, бутун агросаноат комплекси меҳнатчилари** хўжалик юритишнинг янги шароитларида Озиқ-овқат программасини бажариш соҳасидаги куч-ғайратларини кўпайтиришлари керак. Мамлакатни қисқа муддатда озиқ-овқат билан тўла-тўкис таъминлаш —улар мусобақасининг шиоридир. Колхоз ва совхозлар, корхоналарнинг ёрдамчи хўжаликлари, агросаноат комплексининг барча бўғинлари нақадар яхши ишласа магазинлар ва бозорларнинг пештахталаридаги маҳсулотлар шу қадар мўл-кўл бўлади, сут, гўшт, сабзавот ва бошқа маҳсулотларни аҳоли шу қадар кўпроқ олади.

**Мамлакат олимлардан, конструкторлардан, инженерлардан** меҳнат унумдорлигини тубдан ошириш, маҳсулот сифатини яхшилаш, ресурсларни тежаш имконини берадиган янги-янги ихтиролар ва кашфиётларни, илғор лойиҳа ечимлари ва конструкторлик ишланмаларини **кутмоқда.** Фан ва ишлаб чиқариш ходимларининг биргаликдаги куч-ғайратлари билан фан-техника тафаккури илғор ютуқларини практикага тезроқ жорий этайлик!

**Аҳолига хизмат қилиш билан боғлиқ бўлган барча ходимларнинг вазифаси** — одамларнинг хилма-хил хизматларга бўлган эҳтиёжларини тўлиқроқ ва юқори сифатли қондиришдан, замонавий хизмат турларини ривожлантиришдан, ўз меҳнатининг маданиятини оширишдан иборат. Ноишлаб чиқариш соҳасидаги мусобақанинг моҳиятини айни мана шулар белгилаб беради. Совет кишиларининг кайфияти ва пировард натижада улар меҳнатининг самарадорлиги магазин ва ошхоналар, устахона ва ательелар, поликлиника ва касалхоналар, жамоат транспорти ва алоқа корхоналари, бутун дам олиш ва ҳордиқ чиқариш индустрияси қандай ишлашига боғлиқдир.

**КПСС Марказий Комитети барча коммунистларни** мусобақадошларнинг биринчи сафларида бўлишга, шахсан намуна кўрсатиб, одамларни беш йиллик вазифаларини бажаришга руҳлантиришга **чақиради.** Шундай қилиш ҳар бир партия аъзосининг бурчи ва вазифасидир!

Азиз ўртоқлар!

Ўн иккинчи беш йиллик кучга тўлиб, кенг кўлам касб этиб бормоқда. Катта иш бошланиб кетди. Келгусида кенг миқёсли, мароқли, масъулиятли ишлар жуда кўп.

Вақтни бой бермай, олға ҳаракат суръатини кучайтириш, халқ хўжалиги, бирлашмалар ва корхоналар, колхоз ва совхозлар ишида жазирама ёзда ҳам, қаҳратон қишда ҳам бўшашувчиликка йўл қўймаслик, 1986 йилги план топшириқларининг сўзсиз бажарилишига эришиш — ҳозирги бош вазифадир. **Беш йилликнинг биринчи йили — барча меҳнат коллективлари иши учун синовдир, қайта қуриш амалда қандай бораётганлиги, унинг ғоялари нақадар чуқур идрок этилиб, қандай амалга оширилаётганлигининг имтиҳонидир. Бу имтиҳондан ўтиш—бутун беш йилликнинг муваффақиятига замин яратиш демакдир!**

Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 70 йиллиги Совет давлатининг иқтисодий ва социал тараққиёт йўлида қилаётган ҳаракатида муҳим босқич бўлади. Совет халқи бу шонли санани меҳнатда, жамиятимиз турмушининг барча соҳаларини такомиллаштиришда янги муваффақиятлар билан кутиб олиши шубҳасиз.

КПСС Марказий Комитети ҳар бир совет меҳнатчисини, у қаерда ишламасин, Бутуниттифоқ социалистик мусобақаси қатнашчилари сафига туришга, беш йиллик меҳнат жабҳасининг актив жангчиси бўлишга, ўз иш жойида умумий ишга шахсан муносиб ҳисса қўшишга чақиради.

Шундай ишлайликки, совет кишилари моддий ва маънавий жиҳатдан бадавлат яшасинлар, мамлакат экономикаси муттасил мустаҳкамлансин, унинг мудофаа қалқони кучайсин. Партия XXVII съезди белгилаб берган йўлдаги ҳар бир муваффақиятимиз — Ер юзида социализм позициялари ва тинчлик ишини мустаҳкамлаш сари қўйилган янги қадамдир.

---

## КПСС Марказий Комитети Пленумининг қарори

### СССРни ИҚТИСОДИЙ ВА СОЦИАЛ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ 1986-1990 ЙИЛЛАРГА МЎЛЖАЛЛАНГАН БЕШ ЙИЛЛИК ПЛАНИ ҲАМДА ПАРТИЯ ТАШКИЛОТЛАРИНИНГ УНИ АМАЛГА ОШИРИШ СОҲАСИДАГИ ВАЗИФАЛАРИ ТЎҒРИСИДА

КПСС Марказий Комитети Пленуми КПСС Марказий Комитети Бош секретари ўртоқ М. С. Горбачевнинг «СССРни иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг 1986-1990 йилларга мўлжалланган беш йиллик плани ҳамда партия ташкилотларининг уни амалга ошириш соҳасидаги вазифалари тўғрисида»ги докладини тинглаб ва муҳокама қилиб, қарор қилади:

1. КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг докладида баён қилинган, партиянинг КПСС XXVII съезди ишлаб чиққан иқтисодий стратегиясини амалга оширишга қаратилган қоидалар ва хулосалар маъқуллансин.

2. СССРни иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг 1986-1990 йилларга мўлжалланган беш йиллик плани лойиҳаси маъқуллансин.

СССР Министрлар Совети мазкур лойиҳани СССР Олий Совети кўриб чиқиши учун киритсин. Сессияда доклад қилиш КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР Министрлар Советининг Раиси ўртоқ Н. И. Рижковга топширилсин.

3. Пленум беш йиллик планни партия комитетлари, давлат, хўжалик органлари, партия, касаба союз ва комсомол ташкилотлари, меҳнат коллективлари, раҳбар кадрларнинг социал-иқтисодий тараққиётни жадаллаштириш юзасидан конкрет ҳаракат программаси деб ҳисоблайди. План кўрсаткичларини тармоқда, республикада, ўлкада, областда, шаҳарда, районда, ҳар бир ишлаб чиқариш бўғинида эришиш лозим бўлган энг кам даражадаги топшириқ деб билиш принципиал жиҳатдан муҳимдир.

КПСС Марказий Комитети XXVII съезд бунёдкорлик ғояларини ақл-идрок ва қалблари билан тушуниб етган совет кишилари ўн иккинчи беш йиллик топшириқлари муваффақиятли бажарилишини, коммунистик қурилишнинг барча соҳаларида жамиятимизнинг янада олға томон ҳаракат қилишини таъминлайдилар, деб ишонч билдиради.

---

## КПСС Марказий Комитети Пленумининг қарори

### ВАРШАВА ШАРТНОМАСИДА ҚАТНАШУВЧИ ДАВЛАТЛАР СИЁСИЙ МАСЛАҲАТ КОМИТЕТИНИНГ 1986 ЙИЛ 10—11 ИЮНЬ КУНЛАРИ БУДАПЕШТДА БЎЛИБ ЎТГАН КЕНГАШИ ЯКУНЛАРИ ТЎҒРИСИДА

КПСС Марказий Комитети Пленуми Варшава Шартномасида қатнашувчи давлатлар Сиёсий маслаҳат комитети кенгаши (Будапешт, 1986 йил 10-11 июнь) якунларини кўриб чиқиб, КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари М. С. Горбачев бошчилигидаги Совет делегацияси фаолиятини ҳамда кенгашда қабул қилинган ҳужжатларни тўла маъқуллайди.

КПСС Марказий Комитети Пленуми вужудга келаётган халқаро вазиятнинг, ҳозирги кескинлик асосий сабабларининг коллектив таҳлили муҳим аҳамиятга эга эканлигини таъкидлайди. АҚШ маъмуриятининг хатарли ташқи сиёсий йўли, унинг жаҳонгирлик режалари, халқлар иродасини ҳисобга олишни ҳамда Женева аҳдномалари руҳида ҳаракат қилишни истамаётганлиги ҳозирги кескинликнинг асосини ташкил этади. Мана шундай мураккаб шароитда қардош мамлакатлар ўзларини мухолифликни чуқурлаштириш йўлига тортишга йўл қўймаётирлар, қурол-яроғларни камайтириш, халқаро вазиятни соғломлаштириш, давлатлар ўртасида амалий ҳамкорлик имкониятларини излашни қатъият билан давом эттиришни ўзларининг бурчлари деб ҳисобламоқдалар. Бу принципиал йўл КПСС XXVII съезди, бошқа социалистик мамлакатлар идора қилувчи партияларининг съездлари қарорлари билан белгилаб берилган бўлиб, бу съездлар хавф-хатарсиз дунёни барпо этишнинг йўллари ва реал воситаларини кўрсатиб берди.

Пленум иттифоқдош давлатларнинг қуролланиш пойгасини тўхтатишга, бутун давлатлараро муносабатлар системасини кенг қамровли, ҳамма учун бехатар асосларда тубдан қайта қуришга қаратилган биргаликдаги йўлни кучайтиришга азму-қарор берганлигини мамнуният билан қайд этади. Варшава Шартномаси давлатлари уруш хавфига қарши, давлатлараро муносабатларда тинч-тотув яшашни қарор топтириш учун кураш билан боғлиқ бўлган ҳам эски, ҳам янги проблемаларни ҳал этиш йўлида кўпроқ жўшқинлик, дадил ёндашув зарурлиги хусусида якдилдирлар.

Бугунги кунда қардош давлатлар баҳамжиҳат ҳаракатлари даражасини, сифати ва кўламини ошириш — улардан ҳар бирининг тараққиётини янада жадаллаштириш манбаидир, жаҳон социализми интернационал манфаатлари учун курашнинг зарур шартидир.

Варшава Шартномасида қатнашувчи давлатлар Сиёсий маслаҳат комитети кенгаши давомида КПСС XXVII съездининг, бошқа қардош партиялар съездларининг тинчликни мустаҳкамлашга, оммавий қирғин қуролларини йўқ қилиб ташлашга, халқаро хавфсизликнинг кенг қамровли системасини яратишга қаратилган ташқи сиёсий йўли тўла маъқулланди.

Варшава Шартномасида қатнашувчи мамлакатлар кундалик сиёсатининг асосий проблемалари — ядро синовларини тўхтатиш, Европа зонасида ўзаро асосда Совет ва Америка ўртача олислик ракеталарини бутунлай тугатиш, ядровий ва космик қуроллар юзасидан Совет—Америка музокаралари, химиявий қуролларни тугатиш, ядро энергетикасини бехатар ривожлантиришнинг халқаро режимини мустаҳкамлаш борасидаги позициялари ва амалий ҳаракатларини янада мувофиқлаштириб олиш кенгашнинг муҳим якуни бўлди.

Европада қуролли кучларни ва оддий қурол-яроғларни Атлантикадан то Уралгача кенг кўламда камайтириш хусусидаги биргаликдаги ташаббус алоҳида аҳамиятга эга. Кенгашда мазкур масала юзасидан қабул қилинган Мурожаат ядровий қуролларни ҳамда бошқа оммавий қирғин қуролларини тўла тугатиш программасини салмоқли даражада тўлдиради ва мустаҳкамлайди.

Кенгашда социалистик давлатлар ҳарбий-сиёсий мудофаа иттифоқини янада мустаҳкамлаш, ҳамма соҳаларда уларнинг ҳамкорлигини ривожлантириш муҳимлиги, халқаро ишларда, хавфсизликни таъминлашга, ядро уруши хавфини бартараф этиш ва ялпи тинчликни мустаҳкамлашга қаратилган келишилган ташқи сиёсий йўлни ишлаб чиқариш ва амалга оширишда қардош мамлакатларнинг тағин ҳам активроқ баҳамжиҳат ҳаракатларининг аҳамияти тасдиқланди.

КПСС Марказий Комитети Пленуми тегишли совет идоралари ва ташкилотлари зиммасига Будапешт кенгашининг қарорларини амалга ошириш, мамлакат ичкарисида ва чет элларда бу кенгаш ҳужжатларини кенг пропаганда қилиш юзасидан чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва кўриш, қардош партиялар билан ҳаракатлар мувофиқлигини таъминлаш, халқаро, дипломатик характердаги бошқа тадбирларни амалга ошириш вазифасини юклади.

КПСС Марказий Комитети Пленуми қардош социализм мамлакатлари дўстлиги ва жипслиги, уларнинг барча тинчликсевар давлатлар ҳамда кенг жамоатчилик кучлари билан баҳамжиҳат ҳаракатларини янада ривожлантириш социализмнинг тинчлик юришини янада кучайтиришга, қурол-яроғларни камайтириш соҳасида ўзаро мақбул аҳдномаларга эришиш мақсадида, бутун инсониятнинг ривожланиши ва тараққиётини кўзлаб, халқаро ҳамкорликни йўлга қўйишга олиб келади, деб ишонч билдирди.

Фан ва техника янгиликлари

# Танишинг: энг тежамли автомобиль

Ҳозир дунё автомобилсозлигида вужудга келган муҳим муаммолардан бири — бу автомобиль ёқилғисини тежаш масаласидир. Амалда дунёдаги ҳамма илғор автозаводлар шу йўналишда зўр бериб ишламоқдалар. Дизайнерлар ҳаво оқими қаршилигини камайтириш учун автомобилнинг турли идеал формасини; инженерлар ғилдиракларининг ишқаланиш коэффициентини камайтириш учун оригинал нусхали шиналарни; конструкторлар механик энергиянинг бефойда сарфиётини озайтириш учун трансмиссиянинг такомиллаштирилган турларини; химиклар эса алоҳида хусусиятли мотор ва трансмиссия ёғларини ва ҳоказоларни таклиф этишмоқда.

Ёқилғини тежаш борасида ЭҲМ (электрон-ҳисоблаш машина)ларнинг роли бекиёс, албатта. Ҳозир ЭҲМлар автомобилнинг қўшимча эмас, балки зарурий жиҳозларидан бирига айланиб қолди. Ёқилғининг ўртача сарфиётини ҳисобловчи, энг қисқа маршрутни дисплей орқали кўрсатиб берувчи, тормозлаш вақтида ғилдиракларнинг блокировка (сирланиш) ҳолати олдини олувчи, ёқилғини ёниш камерасига сочиб беришни созловчи ёки олти цилиндрли двигателга эга бўлган автомобилнинг учта цилиндрини керакли вақтда ўчиришни назорат қилувчи, ҳатто салон ҳавосини автоматик алмаштириб турувчи «мини» ЭҲМ ва компьютерлар бу борада жуда қўл келади. Бу ишларнинг ҳаммаси фақат битта мақсад — двигатель ёқилғиларининг «подшоси» — бензинни тежаш учун қилинмоқда.

Автомобилнинг хусусий оғирлигини камайтириш билан ҳам ёқилғини тежаш мумкин. Бинобарин, дунё автомобиль саноатида ўта кичик ва кичик литражли машиналарни кўплаб ишлаб чиқариш модага айланиб қолганлиги бежиз эмас.

Сирасини айтганда, Ватанимиз автомобиль саноати фахри — «ВАЗ» автозаводи ҳам шуларни ҳисобга олган ҳолда ўта кичик ва энг тежамкор енгил автомобилни яратиш борасида ташаббус кўрсатди. Гап шундаки, «ВАЗ» дунё автомобилсозлигида рўй бераётган ўзгаришлардан четда қолиш ниятида эмас.

Бу автомобилнинг номи «ОКА», модели — «ВАЗ-1111». У ўзининг истеъмол сифати, яъни салон ва багажникнинг ўлчами, двигатель қуввати, таннархига кўра ўша кичик класснинг биринчи группасига мансубдир. «ВАЗ-1111» умумий фойдаланиш ва инвалидлар учун мўлжалланган тўрт ўринли енгил автомобилдир. Қисқаси, уни кўплаб ишлаб чиқариш ўртача даража даромадли харидорлар сонини кенгайтиради ва шахсий транспорт истеъмолчиларининг харажатини камайтиришга олиб келади.

У инвалидларнинг «СЗД» мотоколяскасидан катта ва «Запорожец»дан кичик бўлган автомобиль эканлигини алоҳида таъкидлаб ўтиш керак. Оддий солиштириш шуни кўрсатадики, бу янги машина «ЗАЗ-968», «Запорожец»га нисбатан 19 килограмм енгил, мотор ёғини 1,5 марта, трансмиссия ёғини 2,5 марта ва ёқилғини 100 километрга 2 литр кам сарф этади. Ремонт ва техник хизмат кўрсатиш меҳнат сарфиёти ҳам анча кам.

Машинанинг конструкциясини лойиҳалашда ўхшаш модель сифатида Японияниng «Дайхатсу Куфс» ўта кичик классдаги автомобили танлаб олинди. Автомобилнинг қатор деталь ва агрегатлар иш процесси, конструкциясини яратишда «ВАЗ-2108» машинаси асос бўлиб хизмат этди.

«ВАЗ-1111» қулайлиги ва комфортабеллиги жиҳатдан оддий «Жигули»лардан сира қолишмайди. Унинг салони «2108»ники сингари гўзал ва замонавий ишланган. Салоннинг ичидаги приборлар шчити ўзига хос оригинал нусхада ишланганлиги билан бошқа машиналардан ажралиб туради. Бу ўз навбатида ҳайдовчига бошқариш қисмларни ўлчаш-текшириш, ёритиш жиҳозларини назорат қилишда қулайлик яратади. Пассажир ва ҳайдовчиларга янги ўтиргичлар узоқ масофаларга йўлга чиқишда қулайлик яратади. Машинанинг ажойиб ишланган формаси ҳаво қаршилигига кам учрайди. У «Нива» ва «2108» сингари уч эшикли. Багажникнинг юк ҳажми — 0,2 метр-куб. Уни орқа ўриндиқларни ётқизиш билан бир неча мартага ошириш ва юк кўтариш имкониятини 150 килограммгача етказиш мумкин. Машинанинг узунлиги 3200 миллиметр бўлиб, эни — 1420, баландлиги эса 1400 миллиметрдир. Тўлиқ жиҳозланган машинанинг умумий оғирлиги — 600 килограмм.

«ВАЗ-1111»нинг икки цилиндрли карбюраторли двигатели олдида кўндаланг жойлаштирилган. Моторнинг ишчи ҳажми 643 сантиметр-кубга тенг. У икки модификацияли 26 ва 30 от кучи қувватли двигателлар билан жиҳозланади. Биринчиси — инвалидлар учун. Янги машинанинг максимал тезлиги 120 километр-соат. 100 километрга 6 литр бензин сарфлайди. Автомобилнинг техник ҳолатини аниқловчи кўрсаткич — ёқилғини контроль сарф этиши 4,2 литр эканлиги унинг алоҳида афзалликларидан биридир.

«ВАЗ-1111»нинг олдинги подвескаси «Макферсон» типида бўлиб у двигателдан келаётган ҳаракатланувчи кучни муайян бурчак остида (рулнинг бирон томонга бурилиш ҳолати) узатиш ҳамда вертикал зарбларни сўндириш имкониятига эга. Рул механизми «Дайхатсу Куоре» автомобилидан ўзлаштириб олинган «шестерня-рейка» системасига эга. Олдинги ва орқа тормозлар барабанли. Орқа тормоз колодкаси эксплуатация давомида автоматик созланиб туриш хусусиятига эга. Олдинги тормоз эса одатдаги дискли тормозга нисбатли оғирлиги кам ва уни ишлаб чиқариш нархи арзон. Шунингдек, уни узоқ хизмат қилиш имконияти икки марта кўпдир. «ВАЗ-1111» алоҳида икки контурли тормозлаш системаси билан жиҳозланган. Агар олдинги тормоз ишдан чиққудек бўлса, орқа тормозлар ишончли ишлайди.

«ВАЗ-1111»га ҳар 15 минг километрдан кейин техник хизмат кўрсатилади. Бу унинг ишончлилигини ва мустаҳкамлигини кўрсатади. Гарантия хизмат муддати 20.000 километр ёки 18 ой. Ёғ ва ҳаво фильтрини, ўт олдириш свечаларини ҳар 15.000 километрдан сўнг алмаштириш кўзда тутилади. Олдинги тормоз колодкалари ва шиналарнинг хизмат муддати 45 минг, орқа колодкалар эса 60 минг километрга етказилди. Радиатордаги антифриз ва трансмиссия ёғини 60.000 километрдан сўнг ёки 4 йилда бир марта алмаштириш керак. Двигателдаги ёғ эса 15.000 километр ёки бир йилда бир марта алмаштирилади. Тормоз суюқлигининг хизмат муддати 5 йил. Машина битта заправкадан сўнг 400 километр йўл юриш имкониятига эга.

«ВАЗ-1111»ни 1987 йилда Серпухов мотозаводи, «КамАЗ» ва «ВАЗ» заводларида 40 мингта ишлаб чиқариш мўлжалланган. Бу янги машинанинг саноат-тажриба нусхаларидан шу йили 500 тайёрланади.

**Ш. ИБРОҲИМОВ,**
**инженер.**

# Конструкторлик бюроси қурилмаси

Техника ижодкорлиги яхши йўлга қўйилган билим ўчоқларида ўзига хос конструкторлик бюролари ишлаб турибди. Кўплаб иқтидорли ўқувчи ёшларни ўз атрофига бирлаштирган бундай изланиш маркази пойтахтимизнинг Чилонзор районидаги 103-ўрта мактабда ҳам фаолият кўрсатмоқда.

Инженер Б. Е. Гохберг бошчилик қилаётган бюро аъзолари қатор техника янгиликлари устида самарали иш олиб бордилар. Симсиз индукцион алоқа қурилмаси эса ижодкор ўқувчиларга шуҳрат келтирди.

Ана шу техника ижодкорлиги намунаси ўқув-тарбия жараёнига ҳам тадбиқ этилди. Хусусан, чет тиллар бўйича ташкил қилинган экспериментал кабинетида дарс жараёнини йўлга қўйишда у жуда қўл келди.

Билим масканидаги мазкур экспериментал кабинетнинг чизмалари методик олимлар эътиборини ҳам ўзига тортди. РСФСР маориф министрлигига қарашли педагогика илмий-текшириш институти мазкур тажрибани мақсадга мувофиқ деб топиб, конструкторлик бюроси фаолиятига юқори баҳо берди.

«Ватанпарварлик қўшиқлари-86» Бутуниттифоқ фестивали



Арманистон ССР. Ереваннинг энг яхши концерт заллари, очиқ саҳналари Улуғ Октябрнинг 70 йиллигига ва халқаро тинчлик йилига бағишланган «Ватанпарварлик қўшиқлари-86» Бутуниттифоқ фестивали қатнашчилари ихтиёрига бериб қўйилган. Ереванликлар мамлакатимизнинг турли республикалари ва шаҳарларидан келган вакилларни самимий кутиб олдилар.

СУРАТДА: фестивалнинг якунловчи концерти.

М. Шахбазян, А. Бадалян фотоси.
ТАСС фотохроникаси.

Улуғ Ватан уруши бошланганлигининг 45 йиллигига

# ТОШКЕНТЛИК ҲАРБИЙ УЧУВЧИ

«Правда Востока» газетасининг давр биздан узоқлашгани сайин сарғиш тус олган саҳифаларини аста варақлар эканмиз, 1936 йилнинг 18 август куни чиққан сонига келиб, нигоҳимиз беихтиёр бир суратга тақа-тақ тўхтаб қолди. Газетада эълон қилинган бу суратта узоқ-узоқ суқланиб боқамиз. «Совет учувчиларига шон-шарафлар!» деган рубрика остида уч оғайни — ҳарбий учувчилар тасвирланган. Улардан бирининг исми Носир, фамилияси Усмонов. Гимнастеркасининг ёқасидаги белгидан кўриниб турибди, бу киши оддий жангчи эмас, Қизил Армиянинг жанговар офицерларидан, яъни катта лейтенант!

Носир Усмонов ким ўзи? Қаерлик бу жасур акамиз, қайси бахтиёр оиланинг фарзанди? Қидириб топса бўлармикан? Топилармикан? Балким уни таниган, кўрган-билган одамлар орамизда юргандирлар...

Бу дунёда нима кўп, тасодифлар кўп. Нима бўлдию, хасталаниб шифохонага тушиб қолдим. Анча даволанишга тўғри келди. Бироз соғая бошлаганимда ҳамшира кўмагида у хонадан чиқиб, бу хонага кириб, турли-туман кўриклардан ўтишга тўғри келди. Синчков шифокорлар ҳар бири ўз мутахассислиги бўйича текширувдан ўтказишарди.

Тиш доктори ҳузурига кирганимизда ҳусни-жамоли бежиримгина ёқимтой ёш аёл худди йигирма йилги таниш кишидек:

— Келинг, келинг, Ҳамид ака, — дея очиқ чеҳра ила пешвоз чиқди.

Кейинроқ аниқланишича Дилбархон Ёдгорова ушбу сатрлар муаллифини «зангори экран»да кўп кўрган экан.

Кунлардан бирида Дилбархон:

— Менинг дадамлар ҳам лаънати урушдан қайтиб келмаганлар, — деб қолди чуқур хўрсиниб.

Буюк муҳорабадан севимли ёри Ҳакимахон, Дилбархон ва Дилафрўздек ширин-шакар қизалоқлари истиқболига қайтиб келмаган отанинг тақдири вужудимни қамраб олди. Дилбархон онаси Ҳакимахондан отасига тааллуқли қоғозларни олиб келди. Не кўз билан қарайки, газетада босилган суратдаги Носир Усмонов Дилбархон ва Дилафрўзларнинг отаси бўлиб чиқди!

Носир Усмонов 1912 йили Тошкентда камбағал косиб хонадонида дунёга келди. Саккиз ойлик чақалоқлик пайтида отаси оламдан кўз юмди. Олти ёшга тўлиб-тўлмасидан меҳрибон онадан жудо бўлди. Етимча бувисининг қарамоғида қолди. Бола ўсиб-улғаяётган сари уни боқиб вояга етказа олишига бувининг кўзи етмасди. Очлик, ночорлик оқибатида ўн икки яшар Носирни буви боқимсиз қолган болалар 3-Байналминал интернатига топширди. Тез орада ўзи ҳам вафот этди.

Орадан икки йил ўтгач, яъни 1926 йилда Носиржон фабрика-завод билим юртига ўқишга юборилди. 1928 йилда Носир Усмонов, таъбир жоиз бўлса ўзининг иборaси билан айтганда «Ўртоқ Ленин номидаги Ўрта Осиё Бирлашган Ҳарбий мактабининг тайёрлов бўлими»га кирди. Икки йилдан сўнг уни биринчи рота курсантлари сафига ўтказишди.

1924 йилдан комсомол аъзоси курсант Носир Усмонов 1931 йил 16 февралда ВКП(б) аъзолигига кандидат бўлди. Ўша йилнинг 4 сентябрида партия аъзолигига қабул қилинди.

1937 йил. Ёш командир Носир Усмонов тошкентлик Ҳакимахон исмли лобар қизга уйланди. Тўймисан тўй бўлди. Ҳарбий қисмдан азиз меҳмонлар ташриф буюришди.

Командирнинг умр йўлдошига ҳамиша қўш чамадон ҳамроҳ. Ҳакимахон эри билан у гарнизондан бу гарнизонга «кўчманчилик» қилиб юраркан, офицерларнинг романтикага бой бекўним кунларига ҳам, кутилмаганда ширин уйқудан маҳрум эттирувчи жанговар тревога садоларига ҳам кўникиб қолди. Тақдир экан Ашхобод, Красноярск, Черногорск шаҳарларида яшади.

Тўнғич қизи Дилбархон Тошкентда туғилди. Кейин Дилафрўз...

Уруш бошланган кезларда Усмоновлар оиласи Красноярскда истиқомат қилар, Носиржон эса Черногорскда эди. Ҳакима Қодировна дарҳол Дилафрўзни қўлга олдию Дилбархонни етаклаганича поездга ошиқди. Черногорскка етиб борди. Носиржон жондан азиз жажжиларини бағрига маҳкам босди, юз-пешоналаридан ўпди ва улар билан хайрлашди. Минг афсус-надоматларки, бу бўсалар, бу хайр-хўшлашишлар тўртови учун ҳам умрида энг сўнггиси эканлигидан бехабар эдилар.

Эскадрильялар ғарбга, ҳаёт-мамот уруши кетаётган Россия осмонида парвоз этди. Ҳакима Қодировна эса ғўдакларини опичлаганича изига қайтди.

Носир ака қирқ биринчи йилнинг кузагида ёзган охирги мактубида Смоленск осмонида гитлерчи босқинчилар билан тенгсиз жанг олиб бораётгани ҳақида ҳикоя қилган. Шундан кейин домдараксиз...

Болалари билан Тошкентга қайтиб келган Ҳакима Қодировна ишга кирди. Қизларини оёққа турғазиб, балоғатга етказди, турмушга узатди.

Кўп қатори ана келади, мана келади деган умидлар оғушида тиқ этса эшик томон чопди, олис-олисларга нигоҳ ташлади. Аммо Носир ака кириб келмади. Уруш адоғига етди ҳамки, ундан дарак бўлмади.

— Дилбарим бахтли бўлади, дер эдилар дадаси, — дейди Ҳакима Қодировна.— Башоратлари амалга ошди. Нафақат Дилбархон, синглиси Дилафрўз ҳам бахтли иқболга эришишди. Дилбархон тиш доктори бўлса, умр йўлдоши Камолиддин Ёдгоров — давлат банки соҳасида хизмат қилади. Иккинчи куёвим Норхўжа Аминов билан қизим Дилафрўз Аминова олижаноб ва фахрли касб — ўқитувчилик касбини танлаганлар. Невaралар тўп-тўп. Улар ҳам ота-боболари сингари жамиятимизнинг муносиб намояндалари бўлиш иштиёқида вояга етмоқдалар.

**Ҳ. ТОЖИБОЕВ,**
Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган маданият ходими.





«Кибернетика» илмий ишлаб чиқариш бирлашмасининг тажриба-экспериментал заводи коллективи долзарб масалалар — фан ютуқларини ишлаб чиқаришга тадбиқ этишда катта ҳисса қўшмоқда. Олимларнинг тайёрлаётган илмий ечимлари шу ерда ҳаётга йўлланма олмоқда. Бундан ташқари заводда илмий тажрибаларда қўлланиладиган ноёб приборлар ва ускуналар тайёрлаб чиқарилялти.

СУРАТЛАРДА: корхонанинг радиомонтаж участкасида; созловчилар Михаил Шаикин ва Олег Ким кўп функцияли анализаторни созлашмоқда.

В. Дубровский ва А. Киршина фотоси.

Текинхўр ва чайқовчига шафқат йўқ

# Ўғрилар қўлга тушди

**КПСС Марказий Комитетининг яқинда қабул қилган «Меҳнатсиз даромадларга қарши курашни кучайтириш тадбирлари тўғрисида»ги қарорида текинхўрликнинг ҳар қандай кўринишларига қарши жиддий кураш олиб бориш вазифаси қўйилган. Бу ишни амалга ошириш ички ишлар органларининг ходимларига ҳам катта масъулият юклайди. Улар гражданлар ва давлат мулкини талон-тарож қилаётган кишиларни аниқлаш ва жавобгарликка тортишда ўзига хос ҳушёрлик кўрсатиб ишлашлари керак. Бунга бир мисол келтирайлик.**

«Нива» патруль машинаси Маҳзуна кўчаси бўйлаб оҳиста борарди. Экипаж — милиция катта сержанти С. Оганесов ва ҳайдовчи У. Урумбоевдан иборат эди. Улар навбатчилик яхши ўтаётганидан хурсанд эдилар. Ярим тун бўлганлиги учун кўчада гоҳ-гоҳда автомобиль учрарди. Худди шу пайт олдинда бораётган машиналардан бири бирдан чапга бурилди. Унга оғир юк ортилганлиги моторининг товушидан сезилиб турарди. Командир ҳайдовчига машинани таъқиб қилиш ҳақида буйруқ берди. Кўп ўтмасдан 45—50 ТНА рақамли «ГАЗ—69» машинаси қувиб ўтилди. Уни мажбур қилиб тўхтатишди.

Машинада 8 қоп гуруч бор эди. У 11-дон маҳсулотлари комбинатидан ўғирланганди. Шу боисдан ҳам жиноятчилар маҳсулотни ўзларига тегишли эканлигини исботловчи ҳеч қандай ҳужжат кўрсата олишмади.

Воқеанинг моҳиятини аниқлаш мақсадида машина ва ундаги пассажирлар Ҳамза район ички ишлар бўлимининг навбатчилик қисмига келтирилди. Шундай қилиб 11-дон маҳсулотлари комбинатидан гуруч ўғирланганлиги ҳақидаги жиноий иш очилди.

Тергов пайтида аввал судланган А. Бадалов 11-дон комбинатида слесарь бўлиб ишлаётган С. Матназаров ва ҳайдовчи М. Мирзааҳмедов билан тил бириктириб гуруч ўғирлашга аҳд қилганлиги аниқланди. Бу нарса ҳужжат ва далиллар асосида исботланди.

Тергов пайтида С. Мирзааҳмедовнинг уйи тинтув қилинганида тўрт қоп гуруч топилди. Уларни С. Матназаров ҳар куни бир-икки килограммдан ташмалаш йўли билан комбинатдан ўғирлагани маълум бўлди.

Жиноятчилар ўзларини оқлашга ҳаракат қилдилар. Бироқ уларнинг давлат мулкини ўғирлаганликлари аниқ эди. Ҳамза район суди одилона ҳукм чиқарди. А. Бадалов етти йил, С. Матназаров беш йил, М. Мирзааҳмедов уч йил муддат билан озодликдан маҳрум этилди.

**В. БАЛАЛУЕВ,**
**Е. МАКАРЕНКО,**
**милиция майорлари.**

Акс садо

# «Озорижонлар»

«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ», 1986 ЙИЛ 6 МАЙ.

**Газетада эълон қилинган мазкур мақола автори ёзувчи Жонрид Абдуллахонов бир оилада рўй берган кўнгилсиз воқеа хусусида куюниб ёзган. Унда ёш келин ва куёв, ўз ўғлини измига бўйсундириш тилаги билан инсонийлик деган олий туйғуни унутган онанинг тошбағирлиги ва худбинлиги туфайли азият чеккан Гавҳар ҳаёти рўй-рост кўрсатилган эди. Биз оқшомхонлардан кўплаб мактублар олдик. Қуйида уларнинг айримларини эътиборингизга ҳавола қиламиз.**

## Келинининг кўзига боқсин...

Бизда «келин» деган иборага қадимий бир синчковлик билан қаралади. Аввал унинг чаққонлигини, меҳнаткашлигини, «қўли гул» эканлигини айтиб ғурурланамиз. Бу менимча, нотўғри. Кечаги келин бугун фарзандимиз қатори бир фарзанд. Шундай бўлгач, энг аввало унинг инсоний жиҳатларини мақтайлик. Ахир, у қайнанага фақат ёрдамчи кучгина бўлиб қолмаслиги керак-да.

Алишернинг онаси — Маҳбуба келинининг фақат қўлига қараб яшайдиган аёллардан экан. У келини — фарзандининг кўзига қарамас экан. Агар бир марта қараганида қилмишларидан ўзи уялиб кетган бўлар эди.

**Ш. ХАТАМОВА,**
**пенсионер.**

## Маҳаллада дув-дув «гап»

Менинг бир танишим яқинда ўғил уйлантирди. Ўғли турмуш ўртоғи билан жуда иноқ яшайди. Ширингина қизчалари бор. Аммо келин қайнанаси билан...

Қайнанаси уйда бўлиб ўтган ҳамма гапни маҳаллага ноғора чалиб тарқатади. Шу йўл билан ўзини оқламоқчи бўлади. Кейин бу гаплар деворма-девор келин қулоғига етади. Энди бу уйда жанжал бўлмай қаерда бўлсин?..

«Олим бўлиш осон, одам бўлиш қийин» деганлари айнан Алишер сифатларга тегишли гап. Мен мақолани ўқиб ундан нафратландим. Ҳайф унга диплом!

**Д. СИДДИҚОВА,**
**уй бекаси.**

## Виждон сўзи

Гавҳархонга раҳмим келди. У туғруқхонада ётсаю, эри Алишер рафиқасини ва ўз фарзандини кўргани бормаса — бундан ёмон азоб борми? Менимча, ҳамма айб Алишернинг онасида.

Мен хатимни ишга кета туриб, шошилиб ёздим. Чунки, мақолани ўқиб шундай таъсирландимки, ёзмай иложим қолмади. Бундай лоқайд ва жабр қилиб, қарсак чалиб юрувчи одамларга нисбатан бир оғиз Виждон сўзини айтмасдан бўлмайди.

**Н. ЖАББОРОВ,**
**темирйўлчи.**

## Исмига номуносиблар

Маҳбубахон не-не орзу билан ўз ўғлига Алишер деб ном қўйган бўлса керак. Аммо унинг Алишери орзусини оқламайдиган беоқибат йигит бўлиб етишибди.

Маҳбубанинг ўзи ҳам исмига мос иш тутмайдиган аёл экан.

Мен бу ўринда ибратли бир тўртликни эслатишни истардим:

**Бу оғир тош юкин**
**бўйнимга олдим,**
**Гоҳ юк оғир келиб**
**йўлларда толдим.**
**Бир лаҳза қўймадим**
**юкни ерга,**
**Виждон томонида —**
**аҳдимда қолдим!..**

Бу юк нима экан, деб ажабланманг. У — турмуш юки. Ширин турмуш юки!.. Алишербек уни кўтара олмаган!

**А. УМАРОВ,**
**хизматчи.**

## Оилада мустақиллик керак

Икки ёш ширин орзу билан турмуш қуради. Тўй оқшоми ҳаммамиз уларга юрак сўзимизни айтамиз. Бироқ тўй ўтганидан кейин-чи?..

Қайнана — оилада дарға. Унинг бир оғиз ширин сўзи, тўғри маслаҳати ёшлар учун нақадар аҳамиятли. Бироқ, ножўя ҳатти-ҳаракати кўп ёмон воқеаларга олиб бориши мумкинлиги ҳам тайин.

Гоҳо шундай вазиятлар ҳам бўладики, ёшларга ҳеч кимнинг аралашуви жоиз бўлмай қолади. Ана шунда одамлар ўзини тийиши ҳам керак. Акс ҳолда ширин турмуш издан чиқиб кетиши ҳам мумкин.

**М. АКРОМОВА,**
**хизматчи.**

## Сўнгги пушаймон...

Гавҳархон, сизни жуда самимий бир инсон, иродали аёл сифатида танидим ва ҳурмат қилиб қолдим. Сиз ҳар қандай турмуш қийинчиликларини чидам билан енгишингизга ҳам ишонаман.

Қайнанангизга ўхшаганлар ҳамиша ўз қилмишидан кейинчалик мулзам бўлишган. Аммо сўнгги пушаймон — ўзингга душман, деб бежиз айтишмаган. Унинг кейинги қисматига менинг ҳавасим келмайди.

Бироқ, Алишер ҳақида бир гап айтиш қийин. Менимча уни ҳам тушуниш керак. Икки ўт орасида қолиб, балки нима қилаётганини ўзи ҳам билмас. Агар унда йигитлик ғурури ва оталик меҳри бўлса, тўғри йўлини ўзи топиб олади.

Ҳар ҳолда шундай деб умид қилгим келади.

**Ҳ. РАҲМАТОВ,**
**ишчи.**

## Алишерга ҳавас қилмадим...

Алишер — ирригация институтида таълим олган, олий маълумотли мутахассис. Бироқ, мен оилавий шароити туфайли ёхуд ўз ихтиёри билан «институтим — завод, аспирантурам — қурилиш» деб меҳнат қилиб юрган ёшларни биламан. Алишердан кўра уларга кўпроқ ҳавасим келади. Фарзандларимнинг уларга ўхшашини тилайман. Чунки, улар турмуш ўртоғини ҳам, онаизорини ҳам кувнатиб-яшнатиб, ўзлари ҳам шодмон яшашади. Алишер улардан ибрат олсин!

**Ҳ. ҲАБИБУЛЛАЕВ,**
**биолог.**

## Ҳаммага фарзанд азиз

Ҳар бир фарзанд тақдири ота-онани ўйлантиради. Гавҳар ҳам бировнинг фарзанди, яхши маънода эркаси. Аммо мен бир нарсага аминман: агар қайнана меҳрибон, оқибатли ва куюнчак бўлса ҳар қандай келин билан тотув яшайди. Тўғри, айрим келинлар бундан мустасно. Бироқ мақоладаги Гавҳар менимча бир оилани гуллатиши мумкин бўлган келин.

Алишернинг ҳатти-ҳаракати эса ҳар қанча мунозарага арзийди. Хусусан, мен шундай фарзандим билан фахрланмас эдим...

**С. БАКИРХОНОВА,**
**педагог-пенсионер.**

## Набирасини ўйламайдими?

Наҳотки, Гавҳархоннинг қайнанаси ўз ўғлининг оиласи билан тотув яшашини истамаса? Менимча, бунинг бошқа бир сабаби бўлса керак. Балки, у қудалари билан келишмас ва аламини келинидан олаётгандир. Нима бўлганда ҳам мен бу аёлни ёмон кўриб қолдим: у келинини, ўғлини ўз измига бўйсундираман, деб норасида набирасини ҳам унутиб қўйган.

Ўн йил совет мактабида ўқиб, кейин олий маълумотли бўлган бемеҳр «ота» — Алишернинг қилмишларини эса ҳеч ким оқлай олмайди. Бундайларга орамизда ўрин йўқ, дегинг келади.

**Ю. ДЕҲҚОНОВ,**
**ишчи.**

